



Жидда Куръонни хифз этиш халқаро ташкилотининг Бош директори Абдуллох бин Али Бусфар сўнгги йилларда ушбу ташкилот томонидан жаҳоннинг турли жойларида 29 та Куръон мусобакаси ўтказилганини маълум қилди.

«Arab News» газетаси хабар беришича, Бусфар Сенегал пойтахти Дакар шаҳрида бўлиб ўтаётган Африка қитъаси Куръон қорилари ва хофизларига мўлжалланган Куръони Қарим хифз ва тажвиди халқаро мусобакаси якуний босқичининг очилиш маросимидаги маърузасида юқоридаги сўзни айтиш билан бирга, Куръонни хифз этиш халқаро ташкилоти томонидан ўтказилган мусобақада 3300 киши иштирок этганини таъкидлади. У илова этдики, ҳозирги кунда жаҳоннинг турли ўлкаларида ушбу ташкилотнинг қуръоний мутолаалар марказлари бор ва бугунги кунгача мазкур марказларни 30 мингдан ортиқ киши битирган.

Мусобаканинг очилиш маросимида иштирок этиб, сўзга чиққан Сенегал президенти Абдуллох Вад Сенегал аҳолисининг қарийб 95 фоизини мусулмонлар ташкил этишига ишора этиб, мусобаканинг бу босқичи Сенегалда ўтказилаётганини юксак баҳолади.